



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 13 февраль, № 30 (7260) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, модернизация қилишнинг стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига юқори технологияли янги иш ўринларини яратиш, корхоналарни техник ва технологик янгилаш, илгор "кластер модели"ни жорий этишга қаратилган таркибий қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ривожланишининг ҳар томонлама таҳлили, рақобатнинг кучайиши шароитида жаҳон бозорининг ўзгарувчан конъюнктураси соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, янада барқарор ва жадал ривожланиши механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни тақозо этмоқда.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, соҳани жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, тўқимачиликда ярим тайёр маҳсулотларни чуқур қайта ишлашга инвестициялар ҳажмини ва тайёр маҳсулотлар экспортини ошириш мақсадида:

1. 2019 йил 1 апрелдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2019 — 2021 йилларда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотнинг камида 80 фоизини экспорт қиладиган тикув-трикотаж корхоналарига тижорат банклари кредитлари бўйича фоизларни тўлаш билан боғлиқ ҳаражатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қуйидаги тартибда қопланади:

айланма маблағларни тўлдирши (тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ип-калава, трикотаж мато, ип газлама ва бошқалар харид қилиш) мақсадида тижорат банклари томонидан миллий валютда бериладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 25 фоизи миқдориди, аммо 5 фоизи пунктдан юқори бўлмаган ҳолда; ишлаб чиқаришни модернизация қилиш (бино ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш) мақсадида тижорат банклари томонидан хорижий валютда бериладиган кредитлар бўйича белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдориди;

б) ноль ставкани қўллаш натижасида вуқудга келган қўшилган қиймат солиғини қайтариш зарур бўлган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган кундан эътиборан 7 иш кунли давомида солиқ тўловчига тезкорлик билан қайтарилади. Бунда давлат солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотлар, шу жумладан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича таққослаш далолатномаси ҳамда қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобларини тақдим этиш тартиби бекор қилинади;

в) биржа савдолари орқали пахта толасини сотишда қатъий талаб қилинадиган банк кафолатлари бекор қилинади. Бунда тарафлар ўртасида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тартиби шартнома асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тижорат банклари томонидан тикув-трикотаж корхоналарига берилган кредитлар бўйича фоизларни қоплаш учун зарур бўлган маблағларни 2019 — 2021 йиллар давомида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ажратсин.

2. Белгиланган қўйилсинки, 2019 йил ҳосилидан бошлаб республика ташкилотларига пахта толасини сотишда қўшилган қиймат солиғи жаҳон бозорларида шакланган нархлардан қатъи назар, пахта толасининг амалдаги сотиш нархидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

Жиззах вилояти:

ТАҚДИРЛАРНИ ЎЗГАРТИРГАН ТАШАББУС

Мирзачўлда қилинган ишлар яхши тажриба, намуна бўлди. Энди Жиззах вилоятининг ҳар бир тумани марказини шу тарзда обод қилиш, зарур қурилиш-таъмирлаш ишларини шу йилнинг ўзида яқунлаш керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Жиззах табиий ландшафти жиҳатидан мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан алоҳида ажралиб туради. Пурвиқор Зомину Нурота тоғлари, бепоев дашту чўллари ва катта майдонни эгаллаган Айдар — Арнасой кўллари тизими... Буларнинг барчаси вилоятдаги жуғ-

— Биласизми, ўтган асрнинг 60 — 70-йилларида чўллари ўзлаштиришга, пахта яккаҳоқимлигига зўр берилди, — дейди вилоят фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа эр эгалари кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Эшматов. — Кечагидек ёдимда,



Президент ташрифидан сўнг



рофий ранг-барангликни таъминлаган. Жиззахликларни унумдор ер, қазилма бойликлар, иклим шароити жиҳатидан ҳам табиат сийлаган. Хўш, шунча имконият бўла туриб, нима учун вилоятнинг салоҳияти яқин-яқинларгача кўнгилдагидек юзага чиқмаган?!

ўша даврларда бутун бошли кишлоқлар чўллارга кўчирилди. Фақат мўл ҳосил этиштириш, катта даромад олишга ҳаракат қилинди. Лекин, афсуски, одамлар тақдир билан ҳеч ким қизиқмади. Собиқ иттифоқ даврини кўя турайлик, яқин ўтмишда ҳам Жиззах эътибор-

дан четда қолиб кетди. Амал-талқал қилиб ишлаб турган саноат корхоналари ҳам турли муаммолар гирдобиди инкирозга юз тутди. Оқибатда отамерос деҳқончилик ва чорвачилик аҳолининг асосий тирикчилик манбаи бўлиб қолаверди. Бу нотўғри сиёсат, таассуфки,

аҳоли турмушига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Кучли ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзага калқиб чиқа бошлади. Ёзда чанг-тўзон, қишда лой кўчалар, палапартиш қуриб ташланган пастқам ва кўримсиз уйлар, йўлларнинг абгор ҳолати ҳудуднинг қоқоқликка юз тутганини яққол ифодаларди...

Анорбой оғанинг қуноқчилик билан айтган гапларини тинглаб, дастлаб Манасда, кейин бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёзган "Обод қишлоқ" дастури айнан Жиззахдан бошланган ҳам беҳиз эмаслигига яна бир қаррамин бўлди. Ахир ушбу вилоят

аҳолиси ҳам яхши яшашга, орзулари рўёбини кўришга ҳақли-да!

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Одамларимиз ислохотлар самарасини узоқ келажақда эмас, бугун ўз ҳаётлари мисолида ҳис қилишлари, сезишлари керак" деган халқчил сиёсати айни шу жиҳатдан ҳам юртдошларимизни руҳлантириб юборди, қалбларига чўғ солди, дунёга бошқа кўз билан қарашга ўргатди, тасаввурларини кенгайттирди. Мазкур таъмоилнинг дастлабки меваларини Жиззахдаги тарихий ўзгаришлар мисолида яққол кўриш мумкин.



Муносабат

ЭНДИЛИКДА ЯГОНА ЭНЕРГЕТИКА СИЁСАТИ ЮРИТИЛАДИ

Энергетика — ҳар қандай давлатнинг ҳаракатлантирувчи кучи. Шунинг ўзиде мазкур соҳани изчил такомиллаштириб бориш нақадар долзарблигини кўрсатади. Хўш, бу борада бизда аҳвол қандай? Холисона айтсак, тизим салоҳияти замон талабларига жавоб беролмай қолгани, ишлаб чиқариш технологиялари маънан ва жисмонан эскиргани жуда катта йўқотишларга сабаб бўлаётгани. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ўсиб бораётган мамлакат аҳолисининг талабини қондириш имкониятларини пасайтираётгани.

Президентимизнинг жорий йил 1 февралдаги қабул қилинган энергетика тизимини тубдан ислоҳ қилишга доир Фармон ва қарори тизимдаги ана шундай камчиликларни ҳал

этишга қаратилган билан аҳамиятлидир. Амалиётда теран назар солсак, тизимда соғлом рақобат муҳити йўқлиги унинг замон талабига мос ривожланишига ҳалал берганлиги,

ёқилги-энергетика соҳасининг инвестициявий жозибдорлигига салбий таъсир кўрсатгани яққол кўринади. Қолаверса, энергия ресурсларини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олиш ҳамон автоматлаштирилмагани, амалиётга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш суст олиб борилаётгани ҳисобига истезмолчи ва энергия етказиб бериувчилар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Фармон билан мамлакатнинг энергетика хавфсизли-



Кун иқтибоси:

— Ўзбекистоннинг биринчи атом электр станцияси, бу — фахрлининг лозими бўлган миллий лойиҳа. Ҳеч бир мамлакат, ҳеч бир идора АЭСни мустақил қурмайди. Ушбу лойиҳа барча учун муҳим эканлигини тушуниш керак. Бошқа идоралар билан ҳам лойиҳа устида ишлашни мувофиқлаштириш лозим. Бошиданок тўғри йўлга тушиб олиш учун мазкур иш ҳар томонлама пишиқ-пuxта олиб борилиши зарур. Бу фаолият барқарор ва хавфсиз ривожланиш учун қоғалат ҳисобланади.



Жорж ХАДДАТ, МАДАТЭ эксперти

Маҳаллий Кенгашларда

ДЕПУТАТ СЕССИЯ КҮН ТАРТИБИГА ЭЪТИРОЗ БИЛДИРДИ

Нурафшон — мамлакатимизнинг энг кенжа шаҳарларидан бири. Пойтахт вилоятининг маъмурий маркази ҳисобланган бу ҳудудда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айни вақтда мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш чоралари кўриляёттир.

Халқ депутатлари Нурафшон шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясига киририлган "Шаҳарни комплекс ривожлантириш, шунингдек, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича вазифалар ижроси юзасидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш чоралари ҳақида"ги кун тартибининг тасдиқлаш вақтида шаҳар Кенгаши депутати томонидан эътироз билдирилди. Масалалар сессия муҳокамасига қўйилишидан аввал доимий комиссияларда кўриб чиқилмагани бунинг асосий сабаби бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, сессияни тайёрлашда депутатлар фаол бўлишганида, муҳо-

мага киритилган ҳужжатлар билан улар олдиндан танишганларида, масала доимий комиссия йиғилишларида кўриб чиқилганида бу каби ҳақли эътирозларга ўрин қолмаган бўлар эди. Буларни, агар камчилик, деб аташ мумкин бўлса, тезгина тузатиш мумкин.

Лекин ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан шаҳарда аниқланган муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш осон иш эмас. Сессия қатнашчилари асосий эътиборини мазкур жиҳатларга қаратдилар.



Туризм

«THE NEW YORK TIMES» БИЛАН КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

Нью-Йоркда анъанавий «The New York Times Travel Show — 2019» халқаро туризм кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 150 давлат, хусусан, Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этди.



Мамлакатимиз тендида диёримизнинг маданий-маънавий, гастрономик, соғломлаштириш, экологик, шунингдек, зиярат туризмга оид маълумотлар тақдим этилди, деяр хабар берди "Дунё" АА. Ташриф буюрувчилар ушбу павильон орқали Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси, қадимий шаҳар меъморчилиги, буюк алоомларимиз ва мутафаккирларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ҳақида атрафчила маълумот олиш имконига эга бўлишди.

Ортимиз вакилларининг мазкур тадбирда қатнашиши туризм жабҳасида хорижлик шериклар билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш учун ҳам қўл келди. Жумладан, "The New York Times" газетаси билан "NYT Journey" бренди остида Буюк Ипак йўли бўйлаб жамоавий турлар ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

Кўргазма мехмонлари Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси ва Нью-Йоркдаги Бош

консулликда америкалик фуқароларга тезлаштирилган ҳолда электрон визалар бериш бўйича қўлайлик алоҳида эътибор қаратишди. АҚШнинг "Clync Travel & Tourism Consulting" консалтинг компанияси бошлиғи Жоржетт Жеймс туризмни тақдим этиш бўйича нуфузли "Минтел" компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида махсус маъруза тайёрлашда иштирок этганини гуруҳ билан айтиб берди. Ушундан у Самарқанд, Андижон, Бухоро каби шаҳарларга ташриф буюриш, халқимизнинг тарихи, маданияти ва урф-одатлари, қолаверса, жадал ривожланаётган сайёҳлик индустрияси билан яқиндан таниша олганини мамнуният билан таъкидлади.

— Ўзбекистон афсонавий Буюк Ипак йўли марказида жойлашган. Айни шу жиҳат америкалик туристлар учун жозибали саналади, — дейди Ж. Жеймс. — "New York Times Journey" маълакатининг 2019 йилда бориш керак бўлган 52 та манзилдан бири сифатида танлади. Бу юртингизда бўлган қизиқиш ошиб бораётганидан далел.

С. МАХСУМОВ (Халқ сўзи) тайёрлади.

Бугун дунё сайёҳлари Ўзбекистон томон талпинмоқда. Ҳар қалай, сўнгги таҳлиллар натижаларини халқаро экспертлар фикрича, саёҳатга отланаётган туристлар энг мақбул манзиллардан бири сифатида айнан юртимизни танлашяпти.

«ФЕСТИВАЛЛАР ШАҲРИ» САЙЁҲЛИКНИНГ ЯНГИ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Башарти шундай экан, саргузаштга ошурфта кишиларни кўнгилдагидек қутиб олиш, уларга сифатли хизматлар қўрсатиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмақда?

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасидан маълум қилишларича, сайёҳлик марказларига айланган шаҳарларимиз билан чеклани қолинмасдан, бошқа ҳудудларда ҳам йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилина-



тир. Бунга Қашқадарё вилоятидаги ўзгаришлар яққол мисол бўла олади. Дарҳақиқат, воҳада 1 321 моддий-маданий мерос объекти рўйхатга олинган, унинг қўлай иқлим шароити, сўлим ва баҳола масканлари, чўл ҳамда тоғли жойлари туризмнинг кўллаб йўналишлари бўйича хизматлар қўрсатиш имконини беради. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили

13-14 декабрь кунлари Қашқадарёга ташрифи чоғида айни шу масалага эътибор қаратар экан, 2018 йилда вилоятга 63 мингдан зиёд хорижлик сайёҳлар келгани, лекин бу жудаям камчилигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Мазкур соҳадаги барча имкониятни ишга солиш, Шаҳрисабани фестиваллар шаҳрига айлантириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йили

4-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИНИ ИСЛОХ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш ҳамда самарасиз солиқ ва боғжона имтиёзлари ва преференцияларни бекор қилиш бўйича ишчи комиссия (Б. М. Мавлонов) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги тахририга ушбу қарорнинг 1-бандида назарда тутилган қоидалар киритилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик субъектларининг товар айланмасидан вужудга келган ноль ставкадаги қўшилган қиймат солигини қайтариш тўғрисида тақдим қилган аризаларини қўриб чиқиш бўйича автоматлаштирилган дастурни ишлаб чиқин ва амалиётга таъбиқ этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: уч ой муддатда кўйдагиларини назарда тутувчи 2019 — 2025 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoatini жадвал ривожлантириш Концепциясини тасдиқласин:

комплекс ёндашув асосида хом ашёни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни, шу жумладан, sanoat кооперациясини кенгайтириш ҳамда қўллаб-қувватлаш асосида ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, тўқимачилик маҳсулотларини сотишнинг ички ва ташқи бозорларини тадқиқ қилиш;

ички ва ташқи бозорларда маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, қўшимча қиймат яратишнинг ягона занжирини тузиш;

республикада ишлаб чиқариладиган пахта ип-каваларларнинг бутун ҳажмини қайта ишлаш ҳисобига 2025 йилга бориб тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмини 7 миллиард АҚШ долларига етказиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Тошкент тўқимачилик ва энгил sanoat институтида етакчи хорижий олий ўқув юртимларининг қўшма таълим дастурларини ташкил этсин;

ички ой муддатда 2019 йил охирига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий компанияларнинг ўқув-ишлаб чиқариш кластери иштирокида ишлаб чиқариш объектида таълим жараёнини бевосита амалга оширишни ташкил этиш бўйича тақлиф киритсин;

Тошкент тўқимачилик ва энгил sanoat институти кадрларининг бюртмачилари битирувчининг базавий контракт тўловини иккинчи босқичда камиди 50 фоиз, учинчи босқичда камиди 75 фоиз, тўртинчи босқичда 100 фоиз миқдорда тўлаб берган тақдирда, битирувчининг бюртмачи корхонасида меҳнат фойдаланиши амалга ошириш мажбурияти тўғрисида шартнома тузилиши тартибни белгилаш чораларини кўрсин;

бир hafta муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Тошкент тўқимачилик ва энгил sanoat институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси билан биргаликда:

Ўзбекистонда бир йилда камиди бир мартаба тўқимачилик тадбирларини жаҳон календарига киритган ҳолда тўқимачилик ва мода индустрияси халқаро кўргазмалари ўтказилиши чораларини кўрсин;

Европа Иттифоқи, Туркия, Корея, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан қўриб чиқилаётган келишувларга миллий тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан боғжона тўловларини камайтириш ва тартибга солишнинг нотариф чораларини соддалаштириш масалаларини киритсин.

8. "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда кўйдагиларини назарда тутувчи тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoati корхоналарининг ягона ахборот порталини (кейинги ўринларда — портал) ишлаб чиқин ва ишга туширилишини таъминласин:

тармоқнинг тендер савдолари (танловлар), кўргазма ва ярмаркалар, шу жумладан, хорижий кўргазма ва ярмаркалар рўйхатини эълон қилиш;

кичик тадбиркорлик субъектларини тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoati маҳсулотларини экспорт қилишнинг тўлиқ жараёнига масофовий ўқитиш;

бутун дунё мамлакатлари бўйича тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoati маҳсулотларини олиб кириш ва олиб чиқиш таҳлили юзасидан тўлиқ ҳисоботлар билан таништириш;

"Тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoati корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш навигатор чоралари"ни жойлаштириш;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoati ишлаб чиқарувчилар ва хизматлар, материаллар ва хом ашё етказиб берувчилар жойлашуви кўрсатилган Ўзбекистоннинг интерактив харитасини яратиш;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoati маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун Ўзбекистоннинг қиёсий устуликларини эълон қилиш;

тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoati маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган онлайн-дастурий маҳсулотларни хорижий аналоглар билан интеграция қилиш;

молия хизматларини, шу жумладан, лизинг контрактлари бўйича қарз маблағларини, ускуналарни ҳамда суғурта хизматларини жалб қилиш бўйича етказиб берувчиларни акс этириш;

миллий тўқимачилик корхоналари учун ишлаб чиқариладиган ва талаб қилинадиган хизматлар, материаллар ва хом ашёлар номенклатураси ва ҳажмини жойлаштириш.

9. "Ўзстандарт" агентлиги "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси билан биргаликда:

2019 йил 15 февралга қадар тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoati маҳсулотларига уларни синовдан ўтказиш усулларига

талабларни белгилувчи стандартлар бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказсин ва халқаро меъёrlарни ҳисобга олиб ҳолда қайта қўриб чиқилиши лозим бўлган стандартларни белгиласин;

2019 йил 1 мартга қадар тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoati маҳсулотларига ва уларни синовдан ўтказиш усулларига халқаро стандартлар рўйхатини белгиласин ва уларни босқичма-босқич қабул қилиш жадвалини тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги мафсаатдор ташкилотлар ва тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда тўқимачилик ва тикув-трикотаж sanoati корхоналарининг амалдаги экспорт шартномалари гарови эвазига уларнинг маҳсулотларини экспорт олди молиялаштириш механизмини таъбиқ этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат боғжона қўмитаси бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда республика ҳудудига тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ноқонуний олиб киришга қарши курашини кучайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

12. Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси ва бошқа мафсаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги Ф-5194-сонли фармойиши билан тасдиқланган "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасига аъзо тўқимачилик ишлаб чиқариш корхоналари томонидан боғжона тўловлари тўлашдан (боғжона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилган ҳолда импорт қилинадиган, республикада ишлаб чиқариладиган, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун бўлган сунъий ва синтетик тола, жун, хом ашё ва бошқа материаллар рўйхатида:

"ТИФ ТН коди" устунининг 128-позициясидаги "5509 31 000 0, 5509 32 000 0, 5509 61 000 0" рақамлари чиқариб ташлансин;

13-позиция чиқариб ташлансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Ш. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Маслаҳатчисининг ўринбосарлари Б. М. Мавлонов ва Г. К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 12 февраль

техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича, шунингдек, алкоголь маҳсулотларининг улгурчи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаштириш, алкоголь ҳамда бошқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун корхоналар ўртасида озиқ-овқат этил спиртини тақсимлаш, ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хом ашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш, алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари учун янги намунадаги акция марказларини ишлаб чиқаришда қатнашиш шуллар жумласидандир.

Фармонга қўра, Вазирлар Маҳкамасининг Лицензиялаш комиссияси томонидан илгари берилган лицензиялар, амал қилиш муддатидан қатъи назар, 2019 йил 1 июлгача ҳақиқий ҳисобланади. Ушбу муддатдан кейин улар янги инспекция томонидан қайтадан тақдим этилади.

Шу ўринда кичик бир эслатма: янги ташкил этилган инспекцияга алкоголь маҳсулотлари билан бир қаторда, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга лицензия бериш ва улар фаолиятини назорат қилиш ҳам юклатилимқоқ.

Қабул қилинган Фармон ҳамда қарорларнинг дастлаб қўзғатилган ҳужжатлари ама шулардан иборат. Бирок мазкур ҳужжатлар орқали қўлаб янгилик ва тартиботлар жорий қилин-яптики, уларнинг ижроси амалда ўз самарасини бермасдан қолмайди, албатта.

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Ахборот-таҳлил мультимедиа
маркази материаллари асосида
Д. УЛУҒМУРДОВ тайёрлади.**

ЭНДИЛИКДА ЯГОНА ЭНЕРГЕТИКА СИЁСАТИ ЮРИТИЛАДИ



Айни чоғда бу соҳада давлатнинг ҳўжжик фаолияти функцияларини аниқ белгилаш, давлат-хусусий шериклигининг ҳуқуқий, институционал базасини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштириш, янги инвесторларни жалб этиш, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш имконини ҳам беради.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясининг Энергетика вазирлиги тизимига ўтказилиши ҳам аниқлашни сари қўйилган дадил қадам бўлди. Узоқни кўзлаб бошланган бу ишлар яқин йиллар ичида ўз мевасини беради. Бунинг энергетика вазирига, зарур бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида вазирлик марказий аппарати ҳамда "Ўзэнергоинспекция" тузилмасига ўзгариш киритиш, вазирига юкланган вазифа ҳамда функцияларини бажариш доирасида давлат органлари, ташкилотлари, лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, энергетика соҳасида етакчи халқаро ва

хорижий компаниялар мутахассисларини консултант сифатида жалб этиш ваколатлари берилгандан ҳам билиш мумкин. Бу, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда маънавий секторда мавжуд муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш, ёқилчи-энергетика тармоғида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, энергия ресурсларини қазиб олиш ва ишлаб чиқариш жараёнига хусусий капитални фаол жалб қилиш, халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, компаниялар, банклар ҳамда бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, энергетика соҳасига корпоратив бошқарувининг замонавий усулларини, илгор ахборот-коммуникация технологияларини, бошқарув, ҳисобга олиш ва назоратнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш имконини беради.

Умуман, тизимдаги бу янгиликлар юртимиз энергетика салоҳиятини ошириш орқали иқтисодиёт тармоқларини тараққий эттириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қатна замин яратяди.

**Азамат ПАРДАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунийлик
палатасининг Саноат,
қурилиш ва савдо
масалалари
қўмитаси раиси
ўринбосари.**

ДЕПУТАТ СЕССИЯ КҮН ТАРТИБИГА ЭЪТИРОЗ БИЛДИРДИ



Ўрганиш жараёнида жами 8 минг 125 та муаммо аниқланди. Соҳалар кесимидаги таҳлилларда эса энг кўп муаммо кўча ва йўллари таъмирлаш, аҳолининг ичимлик суви, электр энергияси, газ билан таъминлашга оид экани ойдинлашди. Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш, кадраст ҳужжатларини расмийлаштириш, бандлик билан боғлиқ масалалар ҳам талайгина.

Шаҳар аҳолисининг 42 фоиз ичимлик суви билан таъминланган ҳолос. Ҳудуддаги 93,9 километр ичимлик суви тармоғининг 41,5 километри яроқлилик муддатини ўтаб бўлган. Оқибатда 20 — 40 фоизгача охиёқат ироф бўлимоқда. Эйвалеқ, Қумарик, Янгиотек, Ёшлиқ, Тараққиёт, Хурият маҳаллаларида эса ҳозирги кунга қадар ичимлик суви тармоғи мавжуд эмас.

Аҳолининг электр энергиясига бўлган талаби тўлиқ қондирилмапти. Ҳудудда 1950 — 1970 йилларда ўрнатилган, жами 1 минг 168 та симёғоч мавжуд бўлиб, улар ҳам яросиз аҳволга келиб қолган. Умумий узунлиги 46,75 километр ҳаво ва кабел тармоқларини ҳам мукаммал таъмирлаш лозим. Бундан ташқари, қорши қуланилиши ҳаво тармоқларининг муҳофаза ҳудудида 40 дан ортиқ ноқонуний қурилмалар ҳамда хонадонлар борлиги аниқланган.

Ноқонуний қурилмалар кўп қаватли уйлар атрофида ҳам мавжуд. Шу боис шаҳардаги кўп қаватли уйларнинг холатидан ҳам кўпчилик норози бўлимоқда. Мавжуд 98 та кўп қаватли уйдан 66 тасининг том, 59 тасининг ер тўласи таъмирталаб ҳолатда. Кўп қаватли уйларнинг аксарияти оқова суви тизимига уланмаган.

Ҳудудда 3 та оқова сувларни тозалаш иншооти мавжуд бўлиб, айни вақтда уларнинг биттаси фаолият кўрсатмоқда. Чигирки маҳалласида жойлашган оқова сувларни тозалаш иншооти бўтунай каровсиз аҳволга келиб қолган. Иншоот атрофи ўралмаган. Оқова сув тозаланмасдан очик сув ҳавзасига чиқарилимоқда. Бу ҳолат аҳоли саломатлигига жиддий зарар етказяётти.

Шаҳарнинг Нағрўз, Деҳқонобод, Обод маҳаллалари энг оғир ҳудуд, деб таъкидланди.

Сессия қатнашчилари иктомий соҳа объектларидаги камчиликларга ҳам жиддий эътибор қаратди. Уларни бартараф этиш борасида фикр ва тақлифлар ўртага ташланди.

Дарвоқе, яна кун тартиби ҳақида. Ҳудудда шаҳардан коммунал хизмат қилтириш, жумладан, кўчиқ мавсумини тайёрларлик ҳолати ҳақидаги масала муҳокама этилди. Тўғри, ҳалқимизда қишининг сўнги кунидан ҳам кўрж, деган гап бор. Лекин масалани қиш чилласи чиққандан кейин, боз устига, мавсуми тайёрларлик тўғрисида эски кишини ажаблантиради. Бу масала яқин йил кечиб қолмакама этилмаслигимиздан, деган ҳақли савол тўғилади.

Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирок этган сессияда кўриб чиқилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди. "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.**

ТАРМОҚ ҚОЛОҚЛИКДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАДИ?



Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан бир йўла учта ҳужжат — "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон, "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузурида Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида"ги қарорларга имзо чекилди.

Мазкур ҳужжатлар бири-бирига узвий боғлиқ бўлиб, уларда тармоқлар ривожига оид қўллаб қувватлаш белгилари берилди. Хусусан, шу лойиҳача мамлакатимиздаги ароқ ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар бошини қувватлаш турган "Ўшаробсаноат" акциядорлик жамияти туғатилади. Унинг узумчилик ҳамда виночиликни ривожлантириш, соҳани умумий асосда бошқариш функцияси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги агентликка, соҳа корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариш, шунингдек, улгурчи савдосига лицензия бериш, қолаверса, фаолиятни назорат қилиш вазифалари эса Молия вазирлиги ҳузуридаги инспекцияга берилипти. "Ўшаробсаноат" акциядорлик жамияти тизими ташкилотлари ўстав капиталларидаги улшаруши эса Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилимоқда.

Ана энди янгиликлар замирида нима ётади, деган саволга изоҳ бериб ўтсак. Бунинг учун эса, аввало, соҳадаги вазият қандай бўлганини таҳлил қилиш зарур, назаримизда. Бунга қўйидаги рақам ва мисоллар орқали аниқлик киритиш мумкин. Масалан, шу кунгача тармоқдаги 42 та агрофирма-нинг 21 таси зарар билан ишлаб келган. 15 тасида эса, хаттоки ер майдони ҳам бўлмаган. Корхоналарда давлат уллушининг мавжудлиги уларнинг раҳбарларида ривожланиш учун мафсаат уйғотмаган. Савдодаги монопол вазият эса бозор механизмларини тўла жорий этишга имкон бермаган.

Буларнинг барчаси йиғилиб, охиёқабат маҳсулот ишлаб чиқаришга ўз тасирини кўрсатмай қолмади. Бундан ташқари, ташқи бозордаги қонъюнқтура дегани ҳам маркетинг талаблари асосида дурустроқ тадқиқ этилмади.

Боз устига, сифат аро йўлда қолди. Фармон билан, қайд этганимиздек, соҳадаги корхоналарнинг бошини қувватлаш учун идораларнинг ташкилий тузилмаси буткул ўзгаради. Жумладан, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузурида Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилиши билан узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқин ва амалга ошириш, шунингдек, техник узум навлари тоқзорларининг ягона реестрини юритиш ишлари жонланади. Тоқзорларни кенгайтириш, виночиликни ягона давлат сиёсатини амалга ошириш асосида ривожлантириш, соҳа корхоналарини модернизациялашга қўмақлаштириш жадваллашади. Ташқи бозорларни қонъюнқурасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш йўли билан соҳанин экспорт салоҳияти оширилиб, маҳал-

лар виночилик маҳсулотлари мамлакатда ва хорижда оммалаштирилади. Фармон билан, агентлик ташкил этиш бўйича қарор ҳам қабул қилинди, у билан 2019 — 2021 йилларда янги тоқзорларни яратиш ва 2022 — 2024 йилларда вино материаллари учун хом ашё этиштириш бўйича прогноз қўрсаткичлари тасдиқланди.

Имзоланган ҳужжатлар асосида, шу пайтга қадар "Ўшаробсаноат" акциядорлик жамияти тизимида бўлган ташкилотлар ўстав капиталларидаги улшаруши (этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналар, "Тошкентвино" ва "Нукус вино заводи" акциядорлик жамиятлари истисно қилганда) кейинчалик инвесторларга сотилиш шартли билан, Давлат активларини бошқариш агентлигига берилимоқда. "Ўшаробсаноат" таркибига кирган яна иккита корхона, яъни "Зомин узумчилик ўқув маркази" масъулияти чекланган жамияти агентлик қосидаги "Ўзумчилик ўқув маркази" давлат унитар корхонасига, "Марказий синов лабораторияси" эса агентлик ҳузуридаги "Энология лабораторияси"га айлантйрилади.

Ҳужжатлар асосида Молия вазирлиги ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясининг ташкил этилаётгани ҳам диққатга сазовор. Бинобарин, унинг зиммасига бир қатор муҳим вазифалар юклатилимоқда. Озиқ-овқат ҳамда

ИШОНЧНИ ОҚЛАЯПМИЗМИ?

Президентимиз ташаббуси билан Республика тасарруфидаги тиббиёт муассасаларидан ҳудудларга, вилоят тиббиёт муассасаларидан туманларга раҳбар ходимларни ишга юбориш амалиёти жорий қилинди. Бундан мақсад беморлар узоқ вилоятлардан Тошкент шаҳрига келиб, сарсон-саргардон бўлиб юрмасдан, ўзлари яшаб турган вилоятларда зарур тиббий ёрдам олишларини таъминлаштиришдир.

Менинг фикрим

Вилоятларга жўнатилаётган раҳбар мутахассислар орасида мен ҳам бор эдим. Шундай пайтда қўнғилдан кўп фикрлар ўтар экан. Бу сафарбарлик қанчалар самара бераркин? Жойларда ишлаб турган мутахассис-бошлиқларнинг аксарияти тахрибали раҳбарлар бўлишса-да, ўринларига тайинланаётган раҳбарларнинг аксарияти ёшлар эди. Улар қўнғиллиб, гангиб, ўзларини йўқотиб қўймасмикин? Янги муҳит, янги жамоа. Умуртқалари силдан ва бошқа жароҳатлардан ҳасаланиб, шол бўлиб қолган беморларнинг пойтхатга келишлари жуда оғир кеҳади. Шунинг учун барча вилоятлар силга қарши курашиш диспансерларида фтизио-ортопедия бўлимлари ташкил қилинган. Вилоятларда ўша бўлимларда ишлаётган шифокорларнинг аксарияти шоғирдларим, ҳали ёш, мустаҳкам "оёққа туриб" кетишмаган. Мен уларга ҳар доим керак бўлиб қолишим мумкин. Ишлаб турган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий марказида номзодлик, докторлик диссертацияларига илмий раҳбарман. Булар нима бўлади? Ҳимоялар қўзилиб кетмайди? Тиббиёт фтизиатриясида узоқ йиллар ишласам-да, ташкилотчи, раҳбар бўлиб ишламаганман. Ахир, раҳбарлик осон иш эмас-ку?!

2017 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ҳар ким янги жойда юклатилган вазифаларни бажаришга киришди. Энди мен ўзим раҳбарлик қилаётган Қорақалпоғистон Республикаси Силга қарши курашиш диспансери ва туманлар фтизиатрларининг силга қарши олиб бораётган ишларига муносабатимни билдирмоқчиман. Сил қадимий касаллик, бугунги кунда ҳам Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотли фаолиятида, хусусан, ўзимизда ҳам муҳим муаммо бўлиб турибди. Айниқса, силнинг эпидемиологик ҳолати бошқа вилоятларга қараганда Қорақалпоғистонда оғирроқ. Аммо мамнуният билан таъкидлаш жоизки, республикамизда сил касаллигининг диагностикаси, давоси бутунлай бепул! Барча вилоятларда сил шифохоналари замон талабларига мос равишда қайта қурилди, жиҳозланди. Дори-дармонлар таъминоти юз фоиз, озиқ-овқатдан муаммо йўқ. "Глобал фонд", "Чегара билмас шифокорлар" каби халқаро ташкилотлар ҳам фаолият олиб борапти. Лекин барибор савол туғилаверади: нега сил тугатилмапти? Силнинг профилактикасида узоқ йиллар БЦЖ вакцинаси қўллаб келинди.

Хозирги кунга келиб вакциналар сони уч мартадан бир мартага қисқартирилди. Бу тўғримикин? Тиббиётда ёш болалар, ўсимлар орасида силни баъвақт, ўтёп кетмасдан аниқлайдиган асосий усул, бу — туберкулин диагностикаси. Афвуски, бу усул сабасиз қарама-қаршиликларга учради. Натихада туберкулин таъминоти республикада қоникорсинглигича қолмоқда. Айни пайтда республикада сил касаллигини таъхислаш, асосан, балғам ажратувчи беморлар орасида олиб борилади. Ҳамма беморлар ҳам балғам ажратавермайди-ку. Кўнча флюоромашиналар сони камайиб кетганлиги сабабли узоқ қишлоқларда яшовчилар, айниқса, кексалар текширишдан четда қолмоқда. Сил беморларини даволашда ҳам муаммолар юзатга келмоқда. Баъзи бир халқаро ташкилотлар ходимлари тақлифларига биноан, баъзан чуқур таҳлил қилмасдан беморларнинг амбулатор шартларда даволанишларига кенг йўл очиб берапмиз. Сил юкумли касаллик эканлигини унутмаган ҳолда, халқимизнинг одатда бир хонадонда болалар, катталар, қариялар бирга яшашини, айниқса, силдан беморлиқ

Жиззах вилояти:

ТАҚДИРЛАРНИ ЎЗГАРТИРГАН ТАШАББУС

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилда Жиззах шаҳрида 15 та кўп қаватли арзон уй, туманларда 932 та тураржой куриш вазифаси кўйилди.

Зарафшон дарёсидан сув олиб келиш учун магистраль қувур ва насос станцияси курилишини давом эттириш, 264 километр сув тармоғини куриш ҳамда таъмирлаш бўйича топшириқ берилди. Бу ишлар натижасида Зарбдор, Бахмал, Пахтакор, Мирзачўл, Дўстлик, Галлаорол, Шароф Рашидов туманлари аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланади, уларнинг турмуш тарзи, саломатлиги яхшиланади.

Номи шаҳарча эдию, аммо...

— Шу ернинг фарзанди сифатида яхши биламанки, Жиззахнинг аҳоли оғир, Мирзачўл туманининг эса ундан-да мураккаб эди, — дейди Мирзачўл тумани ҳокими Комил Холмуродов. — Давлатимиз раҳбарининг ислохотларни мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларидан бошлаганида ҳам катта маъно бор.

Ўтган асрнинг 70-йиллари бошида Мирзачўл ўзлаштирилиб, туманимизга асос солинган. Ушунда ўн минглаб оилалар чўлга кўчирилиб, вақтинча яшашлари учун оддий ёғочдан бараклар курилган. Улар кейинчалик бузиб ташланиши ва янги тураржойлар бунёд этилиши режалаштирилган экан.

Аммо, мана, орадан эллик йил ўтибди ҳамки, Мирзачўлда ҳеч бир ўзгариш амалга оширилмади. Бу ерда яшаётган инсонлар тақдир эса умуман эътибордан четда қолиб кетди. Одамлар ҳамон баракларда яшаб келаётгани, шунга мажбур эди. Хар ким қурбиги етганича қўшимча бинолар — кимдир ошхона, тандирхона, яна кимдир молхона тиклаб олган бўлса-да, пастанга ва пала-партиш куриб ташланган иморатлар, нураган уйлар дунли хуфтон қиларди. Табиийки, бу баракларда инфратузилма ҳақида-ку гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Гарчи, туман маркази — Гагарин шаҳарчаси деб аталса-да, бу ерда баъзи қишлоқлардаги шароит ҳам йўқ, боз устига, аҳолининг деярли 90 фоизи ишсиз эди.

маркази, мусиқа ҳамда санъат мактаби, Хотира ва ёдгорлик мажмуаси, турли банклар ҳамда супермаркетлар, кўп қаватли тураржойлар, Қозоқ миллий драма театри, стадион каби бир қатор иншоотларнинг кўркам кўриниши чўл бағридаги шаҳар кийфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

— Илгари уйимизга меҳмон қақришга, очиги, уялардик, — дейди Галаба маҳалласи, Баракат кўчасида яшовчи Мақсуд Мисиров. — Тасаввур қилинг, вояга етган уч фарзандим билан бир хонали барак уйда яшардик. Ошхонамиз тўртта ёғоч устундан тикланиб, устига тунука ёпилган ўчоқ-тандиндан иборат эди. Бошқа вилоятлардан қариндошлар, ёру биродарлар келиб қолса, ўзимизни кўярга жой топполмай, хижолат чеккан пайтларимиз ҳам кўп бўлган. Ишлайман десанг, иш, шароитни яхшилаيمان десанг, имконият бўлмаса. Ўз ёғимизга ўзимиз қоврилиб, қисматимиз шу экан-да, деб юраверардик...

Йўқ, пешонамизга ундай ёзилмаган экан! Яқинда замонавий, барча қулайликка эга янги уйга кўчиб кирдик. Энди хонадонимизга келган меҳмонлар ҳавас қилишмоқда.

Бир оила тўла-тўқис, бахтли ҳаёт кеңириши учун нимаики лозим бўлса, уйимизда барчаси муҳайё. Иссиқ ва совуқ сув бор. Газ ҳамда канализация тармоғига уланган. Фарзандларимнинг ҳар бирига алоҳида хона... Сизга айтайми, баъзан уйда ҳеч ким йўқлигида хоналарни айланиб чиқаман. Деворларига, шифтига қараб-қараб кўяман. Шукр, дейман қайта-қайта. Ишончи қийин-да.

Ҳаётимиздаги яна бир унутилмас воқеа — яқинда Президентимизнинг хо-



2019-2020 йилларда вилоятда умумий қиймати 21 триллион 956 миллиард сўм бўлган 586 инвестиция лойиҳаси дастури ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида

22 300 дан зиёд

иш ўринлари яратилиш режалаштирилган.

туман ҳокимлиги мутасаддиларидан бири Холмўмин Уроқбоев. — Бу ерда кенг қўламли реконструкция ишлари амалга оширилиб, ҳудудимиздаги турли миллатга мансуб, ногиронлиги бўлган ва яқка-ёлғиз 21 нафар нурунийга бепул берилди.

Хонадонлардан бирининг эшигини тақиллатдик. Эшикни оingan отахон бизни ичкарига тақилдик қилди.

— Яқинда 81 ёшни қаршиладим, — дейди Турдиали ота Хўжамбердиев. — Тақдир экан, бир ўғлим армиядан қайтмади. Яна бири автохалокатга учраб, вафот этди. Фарзанд доғини кўтаролмай кампирим ҳам мени ташлаб кетди... Қариндошларимнинг ўз оилалари, рўзгорлари бор. Қариган чоғимда уларга ортиқча юк бўлмайин, деб турли эгасиз, ташландиқ кулбаларда яшаб юрдим. Ёшинг бир жойга етганида хор қилмасин экан! Лекин Юртбошимизга минг раҳмат, қариганимда мени ёлғизлаб қўймади...

Хонадонга аста назар ташлаймиз. Янги гиламлар тўшалган. Меҳмонхона диван, кресло, стол-стуллар билан жиҳозланган.

экишдан тортиб, йиғиб-териб олгунча ҳудуднинг деярли бутун бир аҳолиси жалб этилади. Камига ўзга вилоятлардан хашарчилар чақирилади. Бунинг даҳмазасини энди ўзингиз тасаввур қилаверинг. Йил бўйи меҳнат қилсан, даладан бери келмайсан, лекин қосанг оқармайди.

Аслида эса бундан олинган даромад 400 — 500 киши меҳнат қиладиган кичик саноат корхонаси даромадидан кўп бўлмайди. Буни таққослаш ёки таҳлил қилиш учун малакали иқтисодчи ёки эксперт бўлиш шарт эмас. Шу боис ҳам бугун Президентимиз пахтачиликни класстер усулида йўлга қўйишга, қишлоқларга саноатни олиб киришга, янги-янги иш ўринлари яратишга устувор мақсад сифатида қарамоқда.

Қишлоқларни-ку қўя туринг, шу пайтга қадар Мирзачўл туманида бирор-бир хонадонда янги саноат корхонаси йўқ эди. Ҳатто, бир пайтлар курилган пахтачи қайта ишлаш заводи ҳам турли баҳонаю сабаблар

«Ҳали мақтанарли иш қилганимиз йўқ»

Кейинги сафаримиз Форишга бўлди. Бу манзилга йўл олар эканми, паға-паға қор ёға бошлади. Уйдим-чуккур йўллар, туман марказидаги тирбандлик бир оз асабимизни бузганини ҳисобга олмас, маҳаллий ҳокимият биносини тезда топиб бордик. Қабулхонада ҳокимни қизғин иш устида учратдик. Йигирма-ўттиз чоғли одамга зарур вазифаларни батафсил тушунтираётган экан. Уларнинг гап-сўзларидан билдикки, аксарият тадбиркорлар ўз муаммоларига ечим излаб шу ерга келишган экан.

— Ҳали матбуотда ёритадиган бирор мақтанарли иш қилганимиз йўқ, — дейди Фориш тумани ҳокими Абдивали Мустанов. — Мана, агар идорамизга келгунча эътибор берган бўлсангиз, туман маркази — Богдонни шаҳарча деб бўлмайди. Қишлоққа ўхшайди. Йўллари таъмирлаб, тор, Боз устига, марказда жойлашган бозор тирбандликни юзга келтирмоқда.

Туманимиз ер майдони жиҳатидан Фарғона вилоятига тенг. Вилоятимизнинг 51 фоиз ҳудуди эса Фориш ҳиссасига тўғри келади. Бироқ сув тақчиллиги боис аҳоли, асосан, лалми-корлик ва чорвачилик билан шугулланади. Сўнги йилларнинг қуроқчил келиши, гапнинг рости, одамларимизни қийнаб қўйди.

Президентимиз ташрифи доирасида туманимизда жуда катта янгилаш иш ва ўзгаришларга тамал тоши қўйилди. Жумладан, Фориш маркази бутунлай қайтадан барпо этилади. Кўрмисиз, гувалдан кўтарилган уйлар бузиб ташланиб, икки-уч қаватли замонавий бинолар қад ростлайди. Уларнинг биринчи қаватида турли савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари иш бошлайди. Тикувчилик цехлари ташкил қилинади. Шу орқали ҳам кўплаб иш ўринлари яратилади. Айни пайтда бу борадаги юмушларга жадал киришганимиз.

Йўллар кенгайтирилиб, унинг икки томонида пийдалар учун алоҳида йўлқалар курилади. Замонавий ёритиш чироқлари ўрнатилди. Бундан ташқари, кенг қўламли кўчал-мадорлаштириш, ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Богдонга кираверишда 9 гектарлик замонавий истироҳат боғи барпо этилади. Бу ерда турли кўнгличор аттракционлар, мусиқали фаворалар курилади.

Яна бир йирик лойиҳа — Караман сув омборининг курилишидир. Ушбу йирик гидроиншоот ишга туширилиши натижасида 50 минг гектардан ортиқ экин майдонларини қафоллати суғориш имконияти пайдо бўлади. Қолаверса, 10 минг гектар майдонда тоқзорлар барпо этмоқчимиз. Ушбу лойиҳанинг ҳам барча молиявий манбалари топилад.

Форишнинг бугунги кийфасини ўзгартириб, салоҳиятини оширадиган яна кўплаб лойиҳалар устида иш олиб бориляпти. Давлатимиз раҳбаримиз бевосита ташаббус ва кўрсатмалари асосида рўёбга чиқарилаётган бундай янгилашларни форишликларнинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборишига ишончим комил.

Темирдан саккиз баравар энгил, уч марта мустаҳкам

Одатда, ҳамкасбларимиз мақоаларини бошлаётганларида бирор ноёб лойиҳага нисбатан «Марказий Осиёда ягона», «МДХда ягона» каби таърифларни келтиришади. Чўл ва тоғлардан иборат Форишда ҳам ана шундай эътирофга мос корхоналар курилаётганига тан бермай иложингиз йўқ.

— Тошни эритиб, ундан темир ўрнини босувчи базальт толаси ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик, — дейди «Мега инвест индустриал» қўшма корхонаси раҳбари Ёркин Тиловов. — Бундан миллион-миллион йиллар олдин Фориш тоғларида вулконлар оти-

либ чиқиши натижасида пайдо бўлган тошлар, яъни базальтни 1,5 минг даража иссиқликда эритиб, сунъий лава ҳолатига келтирамиз. Ундан соч толаси қалинлигидан 5-6 баробар ингичка тола оламиз. Уларни кўз билан илғаш қийин. 222 та шундай тола бирлаштирилиб, ип ҳолатига келтирилади. Уларни яна бирлаштириб, арматура тайёрланади. Темирга нисбатан уч марта мустаҳкам бўлиши билан бирга, 8 марта энгил, эгилувчан. Дейлик, базальтдан темир умуман чиримайди, яъни коррозияга учрамайди. Ўзидан тоз ўтказмайди. Шунингдек, ушбу махсулот самолётсозлик, кемасозлик, автомобилсозлик каби қатор соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Қисқаса, бу технология кўплаб соҳалар ривожига инқилоб ясади, десак муболага бўлмайди.

Гапимнинг исботи сифатида сизга яна далил келтирай. Одатда, автомобильга ўрнатилган метан газ баллонига 200 — 250 босим остида газ қуйиш мумкин. Агар баллон базальтдан олинган хом ашёдан тайёрланса, у 800 босимгача газни сиғдира олади.

Яна бир хайратланарли жиҳати, мазкур корхонада кунига 1,2 тонна



Бу жойлар ҳадемай обод масканга айланади...



Бир йил аввалги ҳолат...



Мирзачўлнинг бугунги кийфаси.

Кейинги бир йил давомида Гагарин, агар таъбир жоиз бўлса, мирзачўликларнинг етти ухлаб туширга ҳам қирмайдиган оламшумул ўзгариш ва янгилашларга юз тутди. Бараклар бутунлай бузиб ташланиб, қисқа муддатда замонавий тилдаги уйлар бунёд этилди. Уларга 370 оила кўчиб кирди. Марказий кўчалар билан бирга, маҳалланинг барча ички йўллари асфальт ётқизилди. Тўртта кўп қаватли тураржой биноси қад ростлади.

Энг қувонарлиси, бирин-кетин иш бошлаётган катта-кичик корхоналар туманимизнинг жадал саноатлашувига туртки берибгина қолмай, бандлик даражасининг ошиши, одамларимиз турмуши фаровонлашувида ҳам муҳим омил бўлмоқда.

«Тушимизга ҳам қирмаган воқеа бўлди»

Гагарин шаҳрининг марказий кўчасида-ми. Олти қаторли кенг йўл атрофида экилган манзарали дарахт кўчатлари ва анвойи гуллар қишининг совуқ кунларида ҳам худудга ўзгача фусункорлик бағишлаб турибди. Қад ростлаган муҳташам иморатлар меъморий кийфаси бири иккинчисини такрорламайди. Уларнинг ҳар бири замонавий ёндашув асосида курилган. Давлат хизматлари



Аччиқ қисмат қаршисида синмаган матонат

Мирзачўл тумани маркази бўйлаб кезарканмиз, йўл бўйидаги икки қаватли муҳташам тураржой эътиборимизни тортди.

— Мазкур бино шу пайтгача қаровсизликдан хароб аҳволга келиб қолганди, — дейди бизга ҳамроҳлик қилган

Уй тўрида янги телевизор. Дарпардалар рангинг матолардан тикилган. Ошхонада янги газ плитаси. Ваннадаги энг сўнги русумдаги кир ювиш машинасини кўриб, хайратимиз чандон ортади.

У ердан чиқиб, яна бир хонадонга кирдик. Гулмуродова Жумагул дея ўзини таништирган аёл бизни қарши олди. Қирғиз миллатига мансуб опахоннинг ҳам қисмати оғир экан. Бир қизи, бир ўғлида туғма ногиронлиги бор. Юролмайдди, туролмайди...

— Ўн олти йилдан буён ногиронлиги бўлган икки болам билан ижарама-ижара юриб, сарсон-саргардонликда кун кечирдик, — дейди кўзига ёш олиб Жумагул опа. — Биз кўрмаган қийинчилик қолмади. Ҳўжайиминг ҳам биздан оз ўтирди. Уч нафар фарзандим билан кўчада қолгандик. Фарзандларим тез-тез касал бўлишади. Улардан ортиб, ишлай олмасам. Бошимни қай деворга уришини билмаган кунларим ҳам бўлди... Жумагул опанинг сўзларини жимгина тинглашга ҳаракат қиламиз. Ўн олти йил-а! Унинг матонату жасоратини, садоқатини таърифлашнинг, тасвирлашнинг имкони йўқ.

Аччиқ қисматига қарши сабр-тоқат билан курашаётган бу аёлни ҳам Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар самараси четлаб ўтмаганидан кўнглимиз таскин топди. Бу ерда яна рус, татар, украин, қозоқ миллатига мансуб кишиларни ҳам учратдик...

Мирзачўл қоқоқ худуддан илғор саноат марказига айланади

Бир туман аграр соҳадан, хусусан, пахта ва галла ҳосилидан бир неча миллиард сўм даромад кўради. Уни

билан қўшни туманларга кўчириб кетилганди. Мирзачўлликлар пахтадан, галладан қанчалик мўл ҳосил етиштирмасин, Давлат бюджетига қарам бўлиб қолаверарди. Туман ҳокимлиги мутасаддиларининг маълум қилишича, худуд 85 фоизгача давлатдан дотация олиб келган.

Сўнги бир йилда туманда «Мирзачўлтекс», «Мирзачўл тикувчилик мажмуаси», «Мирзачўл мелиоратор», «Мирзачўл чорва комплекси» каби саноат корхоналари иш бошлади. Уларнинг ҳар бирида 100 дан 300 нафаргача аҳоли доимий даромад манбаига эга бўлди.

— Корхонамизнинг лойиҳа қиймати 28 миллион 300 минг АҚШ долларига тенг, — дейди «Мирзачўлтекс» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдулазиз Аҳмадалиев. — Қалава ип, жинси мато ва ундан тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Тўлиқ қувватга эришгач, Мирзачўл пахтасини қайта ишлаб, йилга 2600 тонна қалава ип, 9 миллион 504 минг погонometr жинси мато ҳамда 600 минг дона кийим-кечак тайёрлаш имкониятига эга бўламиз. Ички бозордан ташқари, хорижга 1,2 миллион долларлик махсулот экспорт қилишни мўлжаллаб турибмиз.

Айни пайтда Мирзачўлда 12 та тадбиркорлик субъекти фаолияти қайта тикланди. Бўш турган 10 та объект инвестиция қилириши шарти билан тадбиркорларга «ноль» харид қийматида берилмоқда.

Булар барчаси сўнги йилнинг нари-берисидан амалга оширилган ишлар. Тез орада Мирзачўл қоқоқ худуддан илғор саноат марказига айланади. Аҳоли даромади ортиб, бугундан рози бўлиб яшайди. Эртанги кунга ишончи эса янада мустаҳкамлашиб бораверади.

гача тош эритиларкан. Бунинг учун сарфланган газ ҳажми қиймати 80 минг сўмга тенг экан.

— Ўтган бир йил давомида ички бозорга 30 миллиард сўмлик махсулот сотдик, — дейди мазкур МЧЖ ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Хайрулла Рўзиев. — Эндиликда хориждан ҳам катта ҳажмда буюртмалар оляймиз. Тўлиқ қувватга эришганимиздан сўнг йилга 3,9 миллион долларлик махсулот экспорт қилиш имконига эга бўламиз.

Корхонани айланар эканмиз, бошқарув пультада ўтирган йигитни суҳбатга тортамиз. — Асли шу ерликман, — дейди Маъруф Маликов. — Жиззах политехника институтини тамомлаганман. Мен билан меҳнат қилаётганларнинг аксарияти форишлик ёшлар. Қишлоғимизга яқин жойда шундай ноёб корхона курилади, деб ҳеч ҳам ўйламаган эдим. Ойлик маошларимиз ҳам яхши. Ота-онам ўзга юртларда эмас, шу ерда ишлаётганимдан жуда хурсанд.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифи чоғида худудни комплекс ривожлантириш мақсадида яқин истиқболда 2 миллиард доллардан ортиқ инвестициялар жалб қилиниб, Жиззах вилояти «саноат хаби»га айлантирилишини билдирди. Бу 1 миллион 300 мингдан ортиқ Жиззахликлар ҳаётида янги давр бошланишидан дарак беради.

Давлатимиз раҳбари Мирзачўл таърибасини, умуман, Жиззах вилоятида амалга оширилаётган «Илғор худуд» синов лойиҳасини мамлакатимизнинг барча худудига ҳам кенг татбиқ этиш борасида мутасаддилар олдиға масъулиятли, шу билан бирга, ижросини кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифа қўйди. Жиззахда бошланиб, юртимиз шаҳари қишлоқлари, энг олис овулларида кенг қулоқ ёзаётган эзгу ташаббус халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириб, худудлар кийфасининг бутунлай замонавийлик касб этишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Юнус БҲРОНОВ («Халқ сўзи»)

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



«ФЕСТИВАЛЛАР ШАҲРИ»

САЙЁҲЛИКНИНГ ЯНГИ МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Хорижликларнинг ҳам эътиборини тортаётган маскан

Айни шу йўналишда олиб борилган кенг кўламли ишлар, айниқса, шаҳарнинг сайёҳлик салоҳияти билан таништириш учун «Info-Tour» уюштирилди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур сафарга марказий оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бирга, 20 дан ортқ турфирмалар вакиллари ҳам жалб этилди.

Эрта тонгда тadbир иштирокчилари чиққан «Афросиёб» тезорар поезди Тошкентдан Шаҳрисабзга томон йўлга тушди.

Манзил олис. Аммо вагон кузатувчинининг айтишича, масофани 4 соат 20 дақиқада босиб ўтарканмиз. Вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида ҳамроҳларимизни гапга соламиз.

— Давлатимиз раҳбарининг топшириғига биноан, Шаҳрисабзни йирик туризм марказларидан бирига айлантириш, худуднинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш мақсадида у «Фестиваллар шаҳри» деб эълон қилинди. — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқармаси бош мутахассиси Фахриддин Зоиров. — Шундан келиб чиқиб, тегишли вазирилк ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда йил давомида ўтказилаётган тadbир ҳамда фестиваллар режаси ишлаб чиқилди ва уларнинг ичкилик жисрасига киришди. Икки кунлик сафар давомида унинг доирасида бажарилган дастлабки ишлар билан яқиндан танишамиз.

Сўхбатдошимиз билан гурунгимиз қизиқ, Шаҳрисабзга келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Зеро, ўтган йили йўлга

Қадимийлик ва замонавийлик уйғунлиги

Шаҳрисабз темир йўл вокзали одамлар билан гавжум. Бу ерда маҳаллий ҳокимлик вакиллари, туроператорлар, меҳмонхоналар бизнеси мутахассислари, кенг жамоатчилик жам бўлган.



«Info-Tour» иштирокчилари тантанали равишда кутиб олинди.

Ташкилотчиларнинг тақлифига кўра, кулай об-ҳаводан унумли фойдаланиш мақсадида дастурга ўзгартириш киритилди. Яъни тақдиротларни бир оз ортга суриб, қадимийлик ва замонавийлик туташиб кетган шаҳарни сайр қилишга олтанди.

Кўҳна Кешнинг тарихий маркази, очиги, бу жой таниб бўлмас қиёфа касб этибди. Оксаройнинг ўнг ва сўл томонларида миллий меъморлик аъёналари асосида кўш

қаватли иморатлар тикланган. Ўртадаги сўлим майдон, унинг марказида эса Амир Темур бобоимизнинг салобатли ҳайкали.

— Бу икки қаватли бинолар хорижлик сайёҳларнинг талаб ва истаклари асосида лойиҳалаштирилиб қурилган, — дея таништиради экскурсовод Холмурод Эшмуродов. — Яъни иморатларнинг биринчи қаватида ҳунармандчилик марказлари жойлаштирилган бўлса, иккинчи қавати хостелга айлантирилган. Булар сайёҳларнинг сеvimли маскани ҳисобланади. Бу ердан сайёҳлик мавсумида бўш жой топиш қийин.

Яшил шаҳарда янги туристик йўналишлар ишлаб чиқуляпти. Бинобарин, бу ерда экотуризм, экстремал туризм, этнотуризм, гастрономик туризм, зиярат туризмни ривожлантириш учун табиий имкониятлар етарли. Республикаимиздаги энг баланд чўққи ва энг катта музлик Хисор тоғ тизмаларида эканлиги, Тошқўрғон қишлоғида динозаврларнинг тош қотган излари сақланиб қолганидан, синаотларга бой Амир Темур горининг шу худудга яқин жойда эканлиги катта имконият, албатта.

Шаҳрисабз шаҳри ҳокими Тўлқин Қаримовнинг таъкидлашича, булар билан кечланиб қолинмасдан чет эллик инвесторлар иштирокида кўшма лойиҳалар ишлаб чиқуляпти, амалга оширилади. Шунингдек, сайёҳлик ривожланган хориж шаҳарлари билан ҳамкорлик ўрнатилди.

— Биз юртингизга ҳамкорлик қилиш мақсадида келганимиз, — дейди канадалик инвестор Жоқдан Оксей Сео. — Айниқса, Шаҳрисабз шаҳри, бу ерда хорижлик сармоядорларга яратилган шaroит бизга маъқул келди. Шу боис дастлаб уни «ақли шаҳар»га айлантириш, IT-технологиялар

билан таъминлаш, шаҳарнинг қадимий қисмида Wi-Fi худудини яратиш лойиҳаларини амалга ошириш қизиқ. Келгусида бундай лойиҳаларни Қарши шаҳрида ва бошқа худудларда ҳам тadbир қилиш ниятимиз бор.

Ўзига хос «йўл харитаси»

«Info-Tour» дастурдаги асосий тadbирлар «Коба» мажмуасида бўлиб ўтди. Бу жой тасодифан танланган йўқ, албатта. Буюк Ипак йўлидаги мазкур тарихий объект қадимда мусофирлар дам олиб, хордиқ чиқарадиган маскан — карвонсарой бўлган.

Бу ерда йиғилганлар хаёлан ўтмишга саёҳат қилиб, Қашқадарё вилоятининг туристик салоҳияти ва янги сайёҳлик йўналишлари, шунингдек, «Фестиваллар шаҳри»нинг фестивал ҳамда кўнгилочар тadbирлари тақвими тақдиротлари билан танишдилар.

Шу тобда мутахассисларнинг таасуротлари билан қизиқамиз. Уларнинг хулосаси эса яқдил: сайёҳларни жалб этишнинг ўзига хос «йўл харитаси» бўлибди.

— Ўтган йили Шаҳрисабз шаҳри мезбонлик қилган Халқаро маком санъати анжумани йирик фестиваллар ўтказиш, сайёҳларга манзур хизматларни ташкил этишда ўзига хос таъриб майдони вазифаниси ўтади, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қашқадарё вилояти худудий бошқармаси бошлиги Оттабек Олимжонов. — Йил давомида ана шундай нуфузли тadbирларни уюштириш орқали



сайёҳларни кўпроқ жалб қилмоқчимиз. Бунинг учун ўндан ортқ йирик фестиваллар ташкил этиш режалаштирилмоқда. Масалан, Наврўз умумхалқ байрами кунларида Халқаро миллий либослар фестивали, кўпқари ва кураш халқ ўйинлари ўтказилади. Шунингдек, «Шаҳрисабз — ҳунармандлар маскани» фестивали, «Shahrisabz music dance» мусиқа фестивали, «Хисор тоғлари» экотестивали ташкил этилади.

Таъкидлаш керакки, худуд қишлоқ хўжалиги, хусусан, боғдорчилиги билан ҳам машғур. Бу эса агротуризмни ривожлантириш учун айна мудао. Шу боис жорий йилда «Анор» фестивали уюштирилиши кўзда тутилган. Мазкур тadbир иштирокчилари шаҳарга туташ худуд — Китобнинг дунёга машғур Варганза анорларини етиштириш, сақлаш ва етказиб бериш жараёнига яқиндан гувоҳ бўлишлари мумкин.

«Уч халқа» — яна бир жозибали лойиҳа

Меҳмонларни кўпроқ худудда олиб қолиш мақсадида «Уч халқа» лойиҳаси ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлаш керак. Унга кўра, туманлар табиий-иклим шарoитидан

келиб чиқиб, тоғли, чўл ва водий йўналишларида туркумланиб, ўзига хос мавсумий сайёҳлик хизматлари амалга оширилади.

Қувонарлиси, бундай фаолият билан шуғулланиш истагидаги тadbиркорлар кўпчиликини ташкил этмоқда. Тadbир доирасида уларнинг бир гуруҳига сертификатлар топширилди.

Ҳузор туманидаги «Sumbula luxe tourism» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилафрўз Мухаммадиева улардан биридир.

У «бир сўм» харид қийматида 10 сотих ер майдони эга объектни харид қилгач, бу ерда ҳунармандчилик маркази очиб, туманнинг ўзига хос бўлган миллий кашталиқ ва гиламчилик турларини йўлга қўймоқчи.

— Бу ҳам сайёҳларни жалб қилишнинг ўзига хос йўли ҳисобланади, — дейди тadbиркор. — Бундан ташқари, Қарши — Шаҳрисабз йўналишининг туманимиздан ўтган қисмида Тоҳир ва Зўҳра зияратгоҳи жойлашган. Унга маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳларда қизиқиш катта. Шу боис биз ишлаб чиққан туризм йўналишига, аввало, ушбу объектни киритдик. Айни пайтда 24 ўринли махсус автобус олиб келямиз. Фаолиятимизни янги сайёҳлик мавсумида тўлиқ ишга тушираемиз.

«Info-Tour»нинг иккинчи кунда тadbир иштирокчилари туризм индустриясининг устуларидан бири бўлган меҳмонхона хизматлари тармоқларини кенгайтириш лойиҳалари билан танишдилар.

Тақдиротларда айтилганидек, икки йил ичида 148,5 млрд. сўм ўзлаштирилиб, 15 та замонавий меҳмонхона, 1,8 млрд. сўм маблағ ҳисобига 40 та меҳмон уйи, ўтов уйлар ва дам олиш уйлари ташкил этиш лойиҳалари рўёбга чиқарилади.

Умуман олганда, 2019-2020 йилларда Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳияти ва инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича умумий қиймати қарийб 300 млрд. сўмлик 72 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Шаҳрисабз таърибаси шуни кўрсатяптики, меҳмон уйлари меҳмонхона бизнесининг энг жозибали тармоқларидан бирига айланган. Чунки чет эллик сайёҳларни кўп юлдузли ўта замонавий ҳамда ҳашаматли меҳмонхоналардан кўра, миллий услубдаги, ўзбекона тутум асосида ташкил этилган меҳмон уйлари кўпроқ қизиқтирмоқда. Улар шундай масканларда хордиқ чиқариб, халқимиз турмуш тарзи, урф-одат ва аъёналари билан яқиндан танишишни маъқул қўришапти.

Тadbир иштирокчилари шу каби меҳмон уйлари билан бирга, «Kesh Palace» ва бошқа замонавий меҳмонхоналар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Улар ортга бир олам таасуротлар, Шаҳрисабзга эса яна саёҳат қилиш, сайёҳларни олиб келиш ниятида қайтдилар.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ
МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНING
«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Тошкент вилояти бошқармаси билан 2018 йил 26 ноябрда тузилган 255/2018-01-сонли шартномага асосан, <https://www.e-auksion.uz> электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 12 март** кунини ўтказилаётган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Тошкент вилояти бошқармасининг куйидаги автотранспорт воситалари куйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«УАЗ 31514»	1995	01 126 TDA	0046784
2.	«УАЗ 31512»	1995	01 227 DCA	0046772
3.	«УАЗ 31514012»	1997	01 729 ZAA	0046774
4.	«УАЗ 31512-10»	1996	01 734 ZAA	0046775
5.	«УАЗ 31512»	1990	01 829 ZAA	0046776
6.	«УАЗ 31512-10»	1996	01 836 ZAA	0046777
7.	«УАЗ 31514-10»	1996	01 859 ZAA	0046778
8.	«УАЗ 31514-10»	1996	01 863 ZAA	0046779
9.	«УАЗ 315142017»	2003	01 891 ZAA	0046780
10.	«УАЗ 31512»	1992	01 912 ZAA	0046781
11.	«УАЗ 31514»	1997	01 917 ZAA	0046782
12.	«УАЗ 31512»	1993	01 971 VCA	0046783
13.	«УАЗ 31512»	1991	10 630 NAA	0046773

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, А. Кодирий кўчаси, 1-«А» уй.

Талабгорлар диққатига!
Аукцион савдосида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ
такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига, «Ўзбекистон Республикаси товар-хонм ашё биржаси» АЖнинг 2019 йил 7 февралдаги 05-15/353-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Қиррай тумани, «Байтқўрғон» ҚФЙ, «Текстильмашевец» БУШ 31-«А», 31-«Б» уйда жойлашган ер майдони 0,1284 Га. бўлган ҳожатхона, ҳовуз, хизматчи бино, бостирма, қозонхоналардан иборат 2 қаватли яшаш уйи такроран куйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 405 202 156,00 сўм.
Аукцион савдоси 2019 йил 21 февраль кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уйда бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аукцион савдоси шу кунини бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йилнинг 26 февраль ва 4 март кунлари бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш кунини олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун ариза билан биргаликда куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
— жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИР нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 10 банк иш кунини мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар савдоларда иштирок этиш учун мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Davr bank» ХАТБ Олмазор филиалидаги 22604000204920609001 ҳисоб рақамига, ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт. МФО: 01121, СТИР: 207122519.

Савдоларда иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 71-228-80-27, 71-228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Тошкент минтақавий филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилаётган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Hamkorbank» АТБ Тошкент филиалининг 2019 йил 7 январдаги 409/13-03-443-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, Окружная кўчаси, 24-уйда жойлашган, ер участкаси умумий майдони 0,06 Га., қурилиш ости майдони 273,910 кв.м., фойдаланиш майдони 243,60 кв.м.дан иборат бўлган нотурааржой биноси куйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 189 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2019 йил 14 март кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабномалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охириг муддати — 2019 йил 12 март кунини соат 18.00.
Мазкур кўчмас мулк 2019 йил 14 март кунини

сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 28 март ва 3, 10, 17, 24 апрель кунлари соат 11.00 да ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси яқунлари савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда савдо ўтказилгандан сўнг эълон қилинади.

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк иш кунини мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар савдода иштирок этишлари учун, юқоридаги мулкнинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг «Davr bank» ХАТБ Амалиёт бошқармасидаги 22604000604920609002 ҳисоб рақамига, ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт. МФО: 00981, СТИР: 207122519.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказилаётган ва савдоларда иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 71-227-91-82. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz.

Хизматлар лицензияланган.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
Беларусь Республикаси

Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан таклиф этади.

Тел.: 93-555-00-95, 93-555-12-88, 71-291-68-94.
www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсулот сертификатланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жамоаси Солиқ назорати бошқармаси бошлиғи ўринбосари
Азиз Алджанович АЛМАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklama@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 69 233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақида маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг қўлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термил ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» навириет-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» навириет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА яқини — 21.05 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5 6